



8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

АЁЛ БАХТИ – ОИЛА ВА ЖАМИЯТ БАХТИ



Зулайхо МАХКАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари–
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси

Айтадиларки, Ер юзид агар бир-гина аёл қолса ҳам, демак, ҳаёт бор, меҳр-муҳаббат бор... Яратганнинг мўъжизаси саналмиш аёл қалби энг муаззам туйғуларга бешик бўлиб, унинг чеҳрасида нафосатни, ёрғу оламга зеб бериб турган назокатни кўрамиз. Вужудида инсоният келажagini ўлғайтирадиган бу тилсимот фидойилик, садоқат тимсоли ҳамдир. У миллатнинг буюк тарбиячиси, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг муҳим иштирокчиси эканига, неча минг йилдирки, бани башар гувоҳ бўлиб келмоқда.

Бугун дунё олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада шиддат билан ўзгаряпти. Қарашлар, тутумлар, ёндашувлар, ҳаттоки баъзи жамиятларда умуминсоний қадриятлар ҳам тамомилан янгича мазмун-моҳиятга эга бўлиб бормоқда. Аммо бир ҳақиқат аниқ: жамиятнинг маданий даражаси, унда-

ги ижтимоий тенглик ва адолат айнан хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланишига оид улғу мезон глобал доирада ҳамон қиймати ҳамда аҳамиятини зарра қадар йўқотгани йўқ.

Илм-фан ва техника энг юқори чўққи-га чиқаётган, инсон зақоси ила ақлбавар қилмас кашфиётлар турмуш тарзими-га кириб келаётган янги замонда ШАХС тарбияси ўз тақдири ҳақида қайғураётган халқ ва миллат учун ҳаёт-мамонт масаласига айлангани ҳам бор гап. Бу вазифани уддалаш эса, сўзсиз, аёллар ақлу зақовати, салоҳияти, маърифати ва фидойилиги-га боғлиқлигини ортиқча таъриф этиш на ҳожат.

– Қандай қонун ва қарорларни қабул қилмайлик, қандай ислохотларни ҳаётга жорий этмайлик, давлат раҳбари сифатида менинг кўз ўнгимда аввало мунис оналаримиз, меҳрибон

опа-сингилларимиз сиймоси, уларнинг дарду ташвишлари туради. Сиз, азизларимнинг оила даврасида тинч-омон, соғ-саломат, фаровон ва бахтли турмуш кечирашингиз, жамият ҳаётида фаол иштирок этишингиз учун хизмат қилишни мен ўзим учун нафақат асосий вазифа, балки шарафли бурч, деб биламан. Чунки оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаётдан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади, – деган эди Президентимиз.

Самимиятга йўғрилган мазкур сўзлар замирида аёлни улғулашдек олижанобликни кўрамиз. Қолаверса, бугун юрти-мизда хотин-қизларга оид давлат сиёсати юқори босқичга ўз-ўзидан чиқаётгани, бунинг ортида мана шундай юксак эътибор, ғамхўрлик, азму шижоат турганини яна бир қарра ҳис қиламиз.

ЯНГИЛАНМАЙДИГАН ҚОНУН БЎЛМАЙДИ

ИНСОНГА ТУРЛИ ҲУҚУҚЛАР БЕРИЛГАН. УЛАР ОРАСИДА ЭНГ БЕБАҲОСИ ВА ТОРТИБ ОЛИНИШИ МУМКИН БЎЛМАГАНИ БУ ЯШАШ ҲУҚУҚИДИР. ШУНИНГ БАРОБАРИДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАЪМИНОТ, ЎҚИШ, БИЛИМ ОЛИШ, КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ, ШАХС СИФАТИДА КАМОЛГА ЕТИШ ҲАМДА ОРЗУ-МАҚСАДЛАР САРИ ОДИМЛАШ КАБИ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАР ҲАМ ҲУҚУҚЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.



ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

СЎНГГИ ВАҚТЛАРДА ДЕПУТАТ ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ, ДЕГАН ҚАРАШ ПАЙДО БЎЛДИ. ЭЪТИБОРЛИ ЖИҲАТИ, БУ АМАЛДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА. ЧУНКИ, БУГУНГИ КУН ХАЛҚ НОИБЛАРИ МУРОЖААТЛАР БИЛАН ХОНАЛАРИДА ЎТИРИБ ИШЛАМАЙДИ, УЛАРНИ ЖОЙИГА ЧИҚИБ ЎРГАНАДИ.



МУНОСАБАТ

СИРДАРЁНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ



СЎЗ – ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСЛАРИГА



ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ РАИСИ:
ТАШАББУСЛАР ҚОҒОЗДА
ҚОЛИБ КЕТМАСИН

Бугун халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятига назар ташласак, вакиллик органидаги муҳит ва кайфият бутунлай ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Чунки ҳозир уларга энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда кўплаб ваколатлар берилган. Бу Кенгашларнинг салоҳияти, масъулияти ошишига замин яратди.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК МУҲИМ

Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш йўлида моддий-маънавий кўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиямиз дастурий мақсадларига мос равишда бу борада доимий натижа учун ишлаш маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА АФЗАЛЛИКЛАР



ЯНГИЛАНМАЙДИГАН ҚОНУН БЎЛМАЙДИ



**ИНСОНГА ТУРЛИ
ҲУҚУҚЛАР БЕРИЛГАН.
УЛАР ОРАСИДА ЭНГ
БЕБАҲОСИ ВА ТОРТИБ
ОЛИНИШИ МУМКИН
БЎЛМАГАНИ БУ ЯШАШ
ҲУҚУҚИДИР. ШУНИНГ
БАРОБариДА МОДДИЙ ВА
МАЪНАВИЙ ТАЪМИНОТ,
ЎҚИШ, БИЛИМ ОЛИШ,
КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ,
ШАХС СИФАТИДА
КАМОЛГА ЕТИШ ҲАМДА
ОРЗУ-МАҚСАДЛАР
САРИ ОДИМЛАШ КАБИ
ҲАЁТИЙ ЭХТИЁЖЛАР ҲАМ
ҲУҚУҚЛАР СИРАСИГА
КИРАДИ.**

Қонунлар ва қонуности ҳужжатлар Конституциямизда акс эттирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижросини таъминлаш, жавобгарликни белгилаш, кези келганда, жазо ёки мукофот тайинлашга хизмат қилади. Парламент палаталари миллий қонунчиликдаги аҳоли ҳаётига дахлдор бўлган энг кичик тахририй ўзгаришдан тортиб, йирик кодексгача барча масалани муҳокама қилади, фикр билдиради, эътирозини айтади. Ҳафта бошида бўлиб ўтган фракциялар ййгилишлари ҳамда қуйи палата мажлисида айни жиҳатлар кузатилди.

ЖАРИМАЛАР ЎЗГАРМАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қатор қонунлар биринчи ва иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Ана шулардан бири суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ҳамда ижро иши юритиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Иккинчи ўқишда муҳокама қилинган қонунга кўра, фуқаролардан қарздорлиги учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам қафолатланган даромадни ўрнатиш назарда тутилган. Шу билан бирга, давлат ижрочилари томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда мобиль видеокузатув воситаларидан фойдаланишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қайд этилдики, иккинчи ўқишда депутатларнинг таклифлари инobatга олинди. Бу, айниқса, жавобгарлик белгилашдаги



жарималар миқдори билан боғлиқ меъёрларда акс этган. Хусусан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун белгиланаётган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача қилиб ўзгартирилган. Биринчи ўқишда бу базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача этиб кўрсатилган эди. Шунингдек, жарималар миқдорини камайтиришга оид ва фуқаролар ҳуқуқлари билан боғлиқ қатор таклифлар иккинчи ўқишда инobatга олинган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, киритилаётган меъёрлар суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда инсон оминининг камайишига, мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштиришга, одил судлов самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, лойиҳа иккинчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМ ЕТАРЛИМИ?

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор билан ёндашиши унинг нақадар долзарб аҳамият касб этишини ифодалайди. Мутахассислар эса озиқ-овқат маҳсулотларини ейтиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидламоқда. Зеро, идеал

ҳолатда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари барчани озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш, рисоладагидек даромад манбаини яратиб беришга қодир. Шу билан бирга, бундай ҳолатда инсон манфаатлари йўлида ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланади, ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ижроси таъминланади.

Амалдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун 1997 йил 30 августда қабул қилинган. Бироқ мазкур ҳужжат озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашдаги замонавий талабларга, ЖСТнинг санитария-фитосанитария чораларини (СФС чоралари) қўллаш тўғрисидаги келишуви тамойилларига ва бошқа қатор стандартларга жавоб бермайди.

Ваҳолонки, озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини бутун озиқ-овқат занжирда “даладан дастурхонгача” ёндашувига асосланган принцип асосида таъминлаш талаб этилади. Соҳанинг реал ривожланиш ҳолатини ва мавжуд илмий салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда, унинг хавфсизлигини бошқаришнинг интеграллашган ва самарали тизимини жорий этиш зарур. Ривожланган давлатлар тажрибаси эса қонунни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Демак, қонунчилигимизда ҳам бу борада яхли ҳужжатга эҳтиёж мавжуд. Шундан келиб чиқиб тайёрланган қонун лойиҳаси қуйи палата мажлисида муҳокама қилинди.

Аввалроқ ХДП фракцияси ййгилишида кўриб чиқилган масала юзасидан депутатлар ўз фикр-мулозаҳаларини билдирган эди. Хусусан, Дилбар Мамаджанова амалдаги қонун нормаларининг аксариятида озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган халқаро принциплар, стандартлар ва амалиётлар акс

эттирилмаганига эътибор қаратди. Бундан ташқари, ваколатли давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилаш борасида қонуннинг ҳуқуқий механизмларини қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Фракция аъзоси Зокиржон Зоҳидов бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган тадбиркорларнинг қонунга, хусусан, Алиментариус кодексини стандартларига риоя қилиши учун қандай назорат механизми борлиги билан қизиқди. Уларнинг фаолиятини ўрганиш ва таҳлил олиб бориш учун тегишли ташкилотлар ёки депутатларга ҳуқуқий асос керак. Амалдаги тартибга кўра, ҳудудларда махсус комиссия бор ва унинг розилиги асосида бир йилда фақат бир марта ишчи гуруҳи билан бирга тадбиркорлик субъектларини мониторинг қилиш мумкин. Ваҳолонки, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар кўни ишлаб чиқарилади.

Депутат бу жуда мураккаб жараён бўлиб, хорижий тажрибада озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарда давлат томонидан қўйилган назорат органлари борлигини таъкидлади. Ўзбекистонда мазкур масала қай тартибда амалга оширилиши хусусидаги савол билан мурожаат қилди.

Ташаббускорларга кўра, ҳозирда Бизнес – омбудсман билан келишган ҳолда текшириш тизими мавжуд. Қонун лойиҳаси билан эса тадбиркорлик субъектларини ягона реестрга киритиш режалаштирилган. Шундан кейин уни меъёрларга мувофиқ текшириш имконияти юзага келади.

Бундан ташқари, Алиментариус кодексини стандартларига мувофиқлаштириш бўйича санитария қоидалари меъдалари ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунда 6 та асосий горизонтал йўналишлар тайёрланган ва бу борадаги ишлар давом эттирилади.

Фракция аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимни қабул қилишни талаб этишини таъкидлади. Бунинг учун билдирилган таклифлар инobatга олиниши, қонун лойиҳасидаги меъёрларни кучайтириш чоралари кўрилиши зарурлигига урғу берилди.

Умуман олганда, қонун қабул қилиниши аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган амалдаги қонунчилик базасини тўлдирди. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли билан боғлиқ касалланларни камайтиради ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳасининг концепцияси маъқулланди.

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

**СЎНГИ ВАҚТЛАРДА ДЕПУТАТ ХАЛҚ
ХИЗМАТЧИСИ, ДЕГАН ҚАРАШ ПАЙДО
БЎЛДИ. ЭЪТИБОРЛИ ЖИХАТИ, БУ
АМАЛДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА.
ЧУНКИ, БУГУНГИ КУН ХАЛҚ
НОИБЛАРИ МУРОЖААТЛАР БИЛАН
ХОНАЛАРИДА ЎТИРИБ ИШЛАМАЙДИ,
УЛАРНИ ЖОЙИГА ЧИҚИБ ЎРГАНАДИ.**

**ҲАР ОЙНИНГ УЧИНЧИ ЎН
КУНЛИГИДА ҲУДУДЛАРДА
НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ОЛИБ БОРАЁТГАН
ДЕПУТАТЛАР НАФАҚАТ ЎЗ ОКРУГИДА,
БАЛКИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТУРЛИ
ВИЛОЯТЛАРИДА БЎЛИБ, У ЕРДАГИ
РЕАЛ ҲАЁТ БИЛАН ТАНИШМОҚДА. БУ
ЭСА БИР МАСАЛАГА ТУРЛИ НУҚТАИ
НАЗАР БИЛАН ҚАРАШ ВА ЕЧИМИ
ЮЗАСИДАН АСОСЛИ, САМАРАЛИ
ТАКЛИФ БЕРИШ ИМКОНИНИ
ОШИРМОҚДА.**

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ТИНГЛАЙМИЗ!

Нукус шаҳрида 4-сонли ихтисослаштирилган қар ва эшитиш қобилияти заиф болалар мактаб-интернати фаолият олиб боради. Маълум бўлишича, у ердаги барча ўқувчи эшитиш қобилияти диагностикасидан ўтказилган. Олинган натижаларга кўра, 2021 йилда “Замин” халқаро жамоат фонди томонидан мактабга 204 та эшитиш аппарати ажратилган ва кохлеар имплантациялар ўтказилган. Шу йўл билан болалар учун таълим ва ҳаётни идрок этиш сифати сезиларли даражада яхшиланиб, замонавий ФМ-тизимлари, нутқни ривожлантириш учун машғулот ускуналари каби махсус ёрдамчи воситалар билан жиҳозланган. Сир эмаски, Халқ демократик партияси

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қатор ташаббусларни илгари суриб келади. Турли даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари эса мазкур йўналишдаги фаолият бўйича назорат-таҳлил ишлари билан шуғулланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Сайёра Имомова ҳам ушбу тартибга амал қилди. Ҳудуддаги махсус мактабга бориб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан самимий суҳбат ўтказди, уларнинг қалбидагини тинглади.

Депутатнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистонда алоҳида таълимга эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш, инклюзив таълим тизими учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш лозим. Бунинг учун Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтига инклюзив таълим методикаси бўйича махсус таълим мутахассислик йўналишини очиш керак, деб ҳисоблайди. Бу эса таълим соҳасини ривожлантирибгина қолмай, мутахассисликлар туруни оширади ва келгусида бандликни таъминлашга ҳисса қўшади.

С.Имомова назорат-таҳлилга мўлжалланган сафари чоғида кўплаб ташкилот ва муассасаларда бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Карлар жамияти ҳамда Кўзи оғизлар жамияти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимларининг фаолияти ва ногиронлиги бор шахсларга яратилган шароитлар билан танишди, мурожаатларни қабул қилди.

Қайд этилишича, 2023 йилда Карлар жамиятининг Тўртқўл, Қўнғирот ва Тахтақўпир туманларидаги ҳудудий бўлимлари Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олиниб, гувоҳномалар берилган. Лекин Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан Карлар жамиятининг туман (шаҳар) ҳудудий бў-

лимларига штат бирликлари ажратилмаган.

Шунингдек, Кўзи оғизлар жамияти Нукус ўқув ишлаб чиқариш корхонасини янгидан қуриш ишлари бошланган бўлиб, бугунги кунда якунига етмасдан тўхтаб қолган. Тўртқўл ўқув ишлаб чиқариш корхонасини тўлиқ янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш зарурати бўлса, Хўжайли ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бутунлай янгидан қурилишга муҳтож.

Таъкидландики, корхоналарда кўплаб аҳоли вакиллари ишлайди, оиласини боқадди. Шу сабабли ушбу масаланинг ечими жамият аъзолари учун долзарб. Уларни тинглаган депутат ҳар бир мурожаатни ёзиб олди ва ваколати доирасида ҳал этишга ваъда берди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 53 мингдан зиёд партия аъзоси бор. Уларнинг 15500 га яқинини ёшлар ташкил қилади. 45 фоиздан зиёди эса хотин-қизлардан иборат. Партия сафида аёллар ва ёшларнинг сафи кенгайиб бораётгани, табиийки, қувонарли.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Имомназар Тўрсунов вилоятдаги таълим муассасаларида бўлиб ўтган учрашувларда ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди. Жамиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг фаоллиги ошиши бевосита тараққиётга хизмат қилишини таъкидлади.

Хусусан, Қарши давлат университетидаги мулоқот чоғида ёшларга оид давлат сиёсати ҳақида сўз борди. Таъкидландики, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан орტიқ йигит-қизлар кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етади.

Шунингдек, бандлик масалаларида ўз-

гаришлар катта. Мисол учун, ўтган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони 3 қарра қўпайиб, улар бизнес вакилларининг салкам 40 фоизини ташкил этмоқда. Қувонарли жиҳати эса ишсиз ёшлар 2 қарра камайдди. Бандликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири йигит-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш бўлса, яна бир устуворлик олий таълим қармовини кенгайтириш билан боғлиқдир. Авваллари битта ўрин учун камида 10 нафар бола кураш олиб борар эди. Қисқа даврда олийгоҳлар сони 3 баробар оширилиб, 42 фоиз ёшлар олий таълимга қамраб олинмоқда.

Депутат ана шу жиҳатларга тўхталар экан, кенг қармовли ислохотларни янада жадаллаштириш ёшларга боғлиқ эканини таъкидлади.

Шунингдек, иштирокчиларнинг истакларига кўра, “Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳиятини тўшунтирди.

Парламент вакили Қарши тумани “Кат” МФЙда бўлиб, ҳудуддаги сайловчилар билан учрашди. Аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжаликларига ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати бўйича мулоқот ўтказилди.

Суҳбат давомида қурилиш соҳасидаги муаммолар, тадбиркорликни ривожлантириш, иш билан таъминлаш ҳамда таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар кўтарилди. Маҳаллий тадбиркорлар бизнесни кенгайтириш учун имтиёзлар ва қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича ўз фикрларини ўртоқлашди.

Шунингдек, хонадонда балиқчилик, қуёнчилик, иссиқхона каби тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар фаолияти ўрганилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли ҳолидан хабар олинди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи.**

8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

АЁЛ БАХТИ — ОИЛА ВА ЖАМИЯТ БАХТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЯНГИ ОДИМЛАР, ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФЛАР

Янги Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги да-дил одимлари халқаро даражада эътироф этилмоқда. Жаҳон банки индексида мамла-катимиз гендер тенгликка эришиш йўлида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та дав-лат қаторига киритилгани бунга мисолдир. Очiq гендер маълумотлар индексида Ўз-бекистон энг яхши 20 давлат қаторида қайд этилди. Парламентлараро иттифоқ томони-дан юритиладиган “Парламентдаги аёллар” рейтингида эса мамлакатимиз 193 давлат орасида 36-ўринга кўтарилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳо-лисининг қарийб ярмини ташкил этади-ган хотин-қизлар учун жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятни кафолатлашга доир конституциявий тамойил амалиётга тизимли жорий қилинаётгани жаҳон жамоатчилиги диққатини тортмоқда. Бу борада ҳуқуқий ва институционал асослар тубдан такомил-лаштирилаётгани эса айни мuddао.

Янги Ўзбекистон хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таъқирлашлардан ҳимоя қиладиган барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. «Оналикни муҳо-фаза қилиш тўғрисида»ги Женева конвен-цияси, «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқла-ри тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклла-рига барҳам бериш тўғрисида»ги Нью-Йорк конвенциялари, Пекин ҳаракатлар плат-формаси каби халқаро ҳужжатлар шулар жумласидан. Бундан ташқари, «Хотин-қиз-лар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғри-сида»ги қонунлар қабул қилинди. Аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларида давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ўнлаб фармон ва қарорлар ҳамда ҳукумат қарорлари ижрога йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда ва оилада аёл қадрини юксалтириш, бу жа-бҳада самарали давлат сиёсатини рўёбга чиқариш мақсадида юзга яқин норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга киритил-гани кенг қамровли ислохотларга туртки бермоқда.

СТЕРЕОТИПЛАР ЎЗГАРМОҚДА...

Ёдингизда бўлса, ўтган йили май ойида кўхна Самарқанд шаҳрида йирик анжуман – Осиё хотин-қизлар форуми бўлиб ўтган эди. Ўттиздан ортиқ давлатлардан нуфузли меҳмонлар ташриф буюрган бу форумда Ўзбекистоннинг, таъбир жоиз бўлса, дадил-лик билан олий бораётган гендер сиёсати самарадорлиги аниқ рақамлар асосида кўрсатилди.

Келтирилганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етган. Охириги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи кенгайиб, хо-тин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги улуши 45 фоизга етди.

Соғлиқни сақлашда банд бўлган аҳоли ўртасида хотин-қизлар улуши 77, таълимда 74, иқтисодиёт ва sanoat соҳасида 46 фоизга етган. Олий таълим му-ассасаларида тахсил олаётган қизлар сони олти баробарга кўпайган.

Аёлларнинг парламентга келиши эса ҳамма давлатда ва ҳамма даврда ижтимо-ий-сиёсий феномен сифатида жуда катта резонанс берган.

Маълумки, ўтган йил октябрь ойидаги парламент сайловлари натижасида Қонун-чилик палатаси таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайлан-ди. Уларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини аёллар ташкил этгани – минтақадаги энг юқори кўрсаткич бўлди. Шунингдек, янги Сенат аъзоларининг қарийб 27 фоизи ёки

16 нафари, маҳаллий Кенгашларга янги сайланган депутатларнинг 32,6 фоизи хо-тин-қизлардан иборат.

Натижада Миллий парламентлар бўйича халқаро рейтинги (IPU Parline)да парла-ментдаги хотин-қизлар салмоғи бўйича Ўз-бекистон дунёдаги 193 та давлатлар ўрта-сида 49-ўриндан 34-ўринга кўтарилди.

Буларнинг бари нимадан далолат? Таби-ийки, хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, аёлларнинг фақат оилада эмас, балки жамиятда ҳам мавқеини юксалтириш, барча жабҳада ўз салоҳияти ва лаёқатини намоён этишига имконият яратиш йўлидаги тизимли ишлар маҳсулидир.

Шахсан мени энг мамнун қиладиган жиҳат нима, биласизми? Одамларимиз онгу шуурида узоқ йиллар турғун бўлиб келган “Аёлнинг ўрни – оилада. Унинг вазифаси қозон-товок, фарзанд тарбиялаш” қабили-даги стереотиплар ўзгариб бораётир. Аёл аталмиш жиҳат оналик, бекалик миссия-ларини бажариши баробарида лидерлик қобилиятини, сиёсий иродаси ва шижоати-ни намоён эта олишига, қатъият ва фаол-лигига жамиятимизда ишонч уйғонмоқда. Бу Ўзбекистоннинг гендер сиёсатида катта қадам, десак янглишмаймиз.

ТАЪЛИМ ВА БАНДЛИК УЗВИЙ БЎЛМОҒИ УЧУН

Маърифатли хотин-қизлар келажак бунёдкорлари ҳисобланади. Юқоридаги фикримизнинг давоми сифатида айтиш мумкинки, аёлларни илмий қилиш, са-лоҳияти ва иқтидорини намоён этишига қўмаклашиш оила учун ҳам, жамият учун ҳам ҳаётий зарурат эканини одамларимиз аста-секин тушуниб етмоқдалар. Кўзи-нинг қорачиғи, жонидан азиз қизи олий ўқув юртига кириши учун мадад бўлаёт-ган оталар, рафиқасига қизиққан соҳада билим ва тажриба ошириши учун шароит яратиб бераётган оила бекалари сафи бугун оз эмас. Ўз навбатида давлатимиз томони-дан хотин-қизларнинг илм олишга бўлган рағбатини қўллаб-қувватлаш йўлида кўри-лаётган чора-тадбирлар суръати ва кўлами ҳам ошиб бормоқда.

Хусусан, 2020-2024 йилларда 8 минг 653 нафар эхтиёжманд хотин-қизлар олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. 5 йиллик меҳнат стаж бор, лекин олий маъ-лумотли бўлмаган 1 минг 256 нафар қиз-ларимиз, сингилларимиз ОТМда тўлов-кон-тракт асосида тахсил олиш имконига эга бўлди. 2021 йилдан 2024 йилга қадар 6 минг нафарга ақин эхтиёжманд аёллар ва боқувчисини йўқотган қизларнинг контракт тўлови қоплаб берилди. Давлат олий таъ-лим муассасаларининг магистратура босқи-чида ўқиётган барча хотин-қизларнинг кон-тракт тўловларини ҳам давлат зиммасига олди. 181 минг 500 нафардан зиёд талаба қизларимизга физиксиз таълим кредитлари ажратилди. Ҳозирга келиб юртимиз ОТМда тахсил олаётган 1 млн 479 минг 384 нафар талабанинг 52,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани кишини қувонтиради, ал-батта. Ваҳошонки, бу кўрсаткич 2017 йилда 39 фоиз бўлган, холос.

2022/2024 ўқув йилида олий ўқув юрт-ларида тахсил олаётган талабаларнинг STEAM таълим йўналишлари бўйича кўрсат-кичи таҳлил қилинганда, физика йўнали-шида ўқиётган талабаларнинг 64 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани маълум бўлди. Шунингдек, математика (60 фоиз), хизмат кўрсатиш (34 фоиз), қишлоқ хўжа-лиги (36 фоиз), ишлаб чиқариш ва ишлов бериш (32 фоиз) каби йўналишлар бўйича ҳам бу борада ўсиш кўзатилган. Бу син-гилларимизда, қизларимизда амалий ва аниқ фанларга бўлган қизиқиш ортаётган-ини, пировардида халқаро меҳнат бозо-рига рақобатдош кадрлар сифатида кириб бораётганини кўрсатади.

Таълим билан бир қаторда бандлик соҳасида ҳам хотин-қизларнинг узвий ҳуқуқини таъминлаш энг устувор йўна-лишларидан бири бўлиб қолмоқда. Айни

йўналишда эътирофга арзирли натижалар қўлга киритилаётганини қайд этиш жоиз. Чунончи, ўтган йилнинг ўзида 889 минг нафар хотин-қизларнинг бандлигига қўмак-лашилди. 289 минг 419 нафар аёллари-миз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитилди. 543 минг 504 нафар тадбиркорлик фаоли-яти билан шугулланиш, ўзини ўзи банд қи-лиш истагида бўлган сингилларимизга 240 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилди. 520 дан ортиқ маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари очилди.

Таъкидлаш ўринлики, кўмитамиз Рақам-ли технологиялар вазирлиги билан ҳамкор-ликда “Хотин-қизлар бандлигини таъмин-лаш” ягона автоматлаштирилган монито-ринг ахборот платформасини ишга туширди ва тегишли тизимлар билан интеграция қилинди.

Бундан ташқари, ишбилармон ҳамда тадбиркорлик қилиш истагидаги аёллар-нинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувват-лаш мақсадида республиканинг барча ҳу-дудларида жами 3,5 мингга яқин хотин-қиз-лар билан учрашув-мулоқотлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар давомида уларни қийнаб келаётган муаммолар аниқланди. Муаммо-лар фақат ўрганилиб қолмай, балки амалий ечимларига киришилди. Шу тариқа 1 минг 646 нафар хотин-қиз тадбиркорлик лой-иҳалари учун кредит, 610 нафари субсидия маблағларини олишга муваффақ бўлди. Натижада 2 минг 480 та иш ўрни яратилди.

Дарвоқе, жорий йилда яна 635 минг 366 нафар ишга талабгор аёлларимизни ўқитиш ва бандлигини таъминлаш вази-фаси олдимизда турибди. Бунинг учун бор куч ва саъй-ҳаракатларимизни сафарбар қилмоқдамиз. Токи, жамиятимизда бугунги кунига бефарқ, эртанги кунига эса умидсиз боқадиган, ўз салоҳиятига ишонмайдиган бирорта ҳам аёл қолмасин.

ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ – МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

Миллат генофондини асраш, соғлом авлодни вояга етказиш биринчи галда хотин-қизлар саломатлиги муҳофазасини кучайтиришни тақозо этади. Шу нуқтаи на-зардан мамлакатимизда аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив кўрсаткичлар-ни мониторинг қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ишлари қадамба-қа-дам такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, фарзанд кўриш ёшидаги аёл-лар учун “Тиббий қўмак берилиши лозим бўлган хотин-қизлар билан ишлаш тарти-би” ишлаб чиқилди. Унга қўра, ўтган йили 99 минг 976 нафар хотин-қизларга тиббий маслаҳатлар берилди.

“Соғлом оила – келажак пойдевори”, “Эрта ва яқин қариндошлар никоҳига қар-ши бирга курашамиз” рисоалари, “Репро-дуктив саломатлик тамойиллари” мавзусида тиббий ахборот материаллари ишлаб чиқи-либ, 9 минг 452 та маҳалладаги хотин-қиз-лар фаоллигига етказилди.

Яна бир масала. Олиб борилган ўрга-ниш натижалари оилада фарзанд кўришни ихтиёрий режалаштириш бўйича билим ва тушунча аҳоли ўртасида етарли даражада шаклланмаганини кўрсатмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ишчи гуруҳи томонидан фарзанд кўриш бўйича мустақил ва онгли равишда қарор қабул қилишда оиланинг ижтимоий-иқти-содий имкониятини инобатга олишга қара-тилган “Масъулиятли ота-оналик” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа асосида таълим муассасалари, ташкилот, идоралар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ўқув дастурлари жорий этилади. Аҳолига қулай-лик яратиш мақсадида “Масъулиятли ота-оналик” мобиль иловаси яратилади.

Интиқлик билан қутилган фарзанднинг соғлом туғилиши оила учунгина қанақам қу-вонч. Лекин, бордин-ю фарзанд жисмонан ёхуд ақлан заиф бўлса, кўпинча бунинг жабрини она тортади. Кузатишлар кўрсата-дики, оилада носоғлом ва ногиронлиги бор фарзанд дунёга келса, аксар ҳолларда ота-лар бу синов қаршисида туришни истамай, ажрашишни ихтиёр қилади. Бундай фар-

зандни минг ўқубат билан парваришлаш эса она гарданига тушади.

Мана шундай нохуш ва огрикли ҳолат-ларнинг олдини олиш, бошқача айтганда, аёлларимизни бу каби аянчли тақдир билан рўбарў қилмаслик учун ҳам “Масъулият-ли ота-оналик” сингари лойиҳалар жуда муҳим.

ЭЗГУЛИК МЕЗОНИ

Оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қиз-ларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қув-ватлаш мақсадида йўлга қўйилган “Аёллар дафтери”, энг аввало, ёрдамга муҳтож опа-сингилларимизга қўмак бериш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни узиш-кесил ҳал этишда муҳим оимл бўлмоқда.

Жумладан, ўтган йили “Аёллар дафта-ри”га киритилган 1 млн 265 нафар аёлнинг 995 минг 239 нафарига тегишли ёрдамлар кўрсатилди: 548 минг 857 нафари ишли бўлди, 35 минг 968 нафарига эса тадбир-корлик билан шугулланиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу билан бирга 160 минг 893 нафар боқувчиси йўқ, ногирон-лиги бўлган ва ногирон фарзандлари бор аёлларга моддий ёрдамлар берилди.

5 минг 891 нафар уй-жойга муҳтож хо-тин-қизларнинг 432 нафари муқим бошпана билан таъминланди, 5 минг 459 нафарига ижара компенсацияси тўлаб берилди.

Гувоҳи бўляпмизки, хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини таъмин-лашга йўналтирилган бундай амалий ишлар юзлаб, минглаб аёлларимизга қаддини тиклаб, жамиятда ўз ўрнини топиши, фар-зандларини муносиб шароитда тарбиялаб, вояга етказишлари учун имкон бермоқда.

Гап хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қону-ний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида кетаркан, уларга нисбатан тазйиқ ва зўра-вонликка қарши курашиш масаласида ҳам сезиларли ўзгаришларга эришилаётганини тилга олмаслиқнинг иложи йўқ.

Жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш, бу иллат-га нисбатан муросасизлик муҳитини шакл-лантириш мақсадида 2024 йилнинг ўзида иккита қонун ва Президентнинг тегишли қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар-га мувофиқ аёлларнинг ва болаларнинг ои-лада ҳамда жамиятда қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий механизмлар янада мустаҳкамланди.

Асосийси, “Аёлни эъзозлаш – эзгулик ва адолат мезони” деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида хотин-қизларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, ҳуқуқий, пси-хологик ва тиббий ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди.

Тақвим бўйича баҳорнинг илк кунларидамиз. Бироқ қиш ҳамон навбаҳорга ўрнини бўшатгиси келмаётир. Баҳорий айём – Халқаро хотин-қизлар кун

ҳам тобора яқинлашмоқда.

Юртимизда бу айём умумхалқ байрами сифатида шарқона урф-одатлар, халқимизнинг миллий қадрият ва анъаналари асосида нишонланади.

Шуниси аниқки, хотин-қизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш фақат бу байрамда эмас, балки йил бўйи давом этади. Бу соҳадаги жараёни сарҳисоб этарканмиз, эришилаётган ютуқлар, муаммолар ечими сари қатъий ҳаракат жамиятимизда ҳар бир аёл бахт ҳиссини туйиб яшаши учун хизмат қиладиганини англаймиз. Зеро, аёл бахти – оила саодати, жамият кўркидир.



СЎЗ — ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСЛАРИГА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ РАИСИ:

ТАШАББУСЛАР ҚОҒОЗДА
ҚОЛИБ КЕТМАСИН

Бугун халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятига назар ташласак, вакиллик органидаги муҳит ва кайфият бутунлай ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Чунки ҳозир уларга энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда кўплаб ваколатлар берилган. Бу Кенгашларнинг салоҳияти, масъулияти ошишига замин яратди.

Тизимдаги ўзгариш ва янгиланишлар бежиз амалга ошмаяпти, аслида. Чунки мамлакатимизда демократик кадриятларга мос равишда ҳуқуқий ва сиёсий соҳада ислохотларнинг такомиллашиб бориши ўларок, жамият бошқарувида маҳаллий вакиллик органлари роли ва фаоллиги янада кучайишига зарурат ортиб бормоқда.

Партиямиз депутатлари билан бу ҳақида кўп суҳбатлашамиз. Улар маҳаллий Кенгашларнинг нуфузи ошиб бораётганини фахр билан гапиришади. Бу орқали депутатлар фаоллиги ҳам кучайгани, вакиллик органидаги муҳит ва кайфиятнинг бутунлай ўзгартираётганини кўп таъкидлашади.

Шунга яраша партиянинг жойлардаги ташкилотлари фаолияти ҳам сезиларли даражада фаоллашиб бораётганини кўзатиш мумкин. Бу яхши, албатта. Чунки, жойлардаги партиямиз ташкилотлари, депутатларимиз ҳудудлардаги ҳақиқий вазиятни билишади, ҳар бир тизимнинг, соҳанинг юрак уришини аниқ-равшан ҳис қилишади.

Ҳозир жойларда ҳаёт қайнаган, ислохотларнинг кўлами кенг. Ана шундай муҳим паллада партиямиз маҳаллий Кенгашлари нималар билан машғуллиги билан қизиқдик. Шу мақсадда газетамиз саҳифасида янги рўкн йўлга қўйилди. Унда маҳаллий партия кенгашлари раисларини суҳбатга қорлаймиз.

Дастлаб ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси саҳифамиз меҳмони бўлди. Шохруҳбек Ўктамов вилоят партия кенгаши фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, шахсий фикрлари ва хулосалари билан бўлишди.

— **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?**

— Ҳақиқатан ҳам, маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари катта сиёсий куч ва таъсирга эга. Партиямиздан вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига 115 нафар депутат сайланган. Лекин бу салоҳиятдан қай даражада фойдаланилаётгани ҳақида савол туғилса, фаолиятимизга танқидий ёндашиш лозим бўлади.

Айни пайтда депутатларимиз маҳаллий Кенгашларда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва кам таъминланган қатламларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда. Албатта, бу ташаббуслар партия ташкилотларининг жойлардаги фаолияти ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги асосида амалга оширилмоқда.

Менинг фикримча, фақатгина муаммоларни кўтариш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини таклиф қилиш билан чекланиб қолиш етарли эмас. Партия ташкилотлари тизимли, стратегик ёндашуви ишлаб чиқиши керак. Масалан, партиямиз кўпроқ ижтимоий муаммоларга эътибор қаратади, лекин уларнинг ечими учун фақат давлат ёрдамини кутиш нотўғри. Қуйида маҳаллий бюджет маблағларини самаралироқ йўналтириш,

ижтимоий тadbirkorlikни рағбатлантириш ёки маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича кенгроқ ташаббусларни кўтаришимиз керак.

Биз халқимизга эълон қилган сайловолди дастуримизни 2025-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига айлантириб, вилоятимиз бўйича шу йилнинг ўзида долзарб ҳисобланган 80 та масалани сессияларда муҳокама қилишни режалаштирганмиз. Хусусан, унда камбағал ва ишсиз фуқароларни тadbirkorlikка жалб қилиш, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, инклюзив таълимни ривожлантириш каби масалалар ўрин олган.

Мен ишонч билан айта оламанки, партиянинг маҳаллий даражада таъсирини ошириш учун фақат ижтимоий ёрдам масалаларини эмас, балки иқтисодий фаолликни ошириш, хусусий сектор билан ҳамкорликни кучайтириш каби устувор йўналишларни ҳам кўтариш зарур. Шунингдек, ХДП сайловолди ваъдалари қанчалик бажарилаётганини таҳлил қиладиган ва хабардорлигини оширадиган очик механизмларни жорий этамиз.

Вилоятимизда партиянинг 909 та бошланғич партия ташкилоти, туманларда бевосита халқ билан ишлаб, муаммоларни аниқлайдиган ва уларни ҳал этиш бўйича чоралар кўрадиган депутатлик гуруҳлари мавжуд.

Биз улар билан фаол алоқа қиламиз, улар бизнинг жойлардаги кучимиздир. Ва агар биз тармоқда қандайдир янгилик ҳақида ўқисак, жойлардаги депутатлик корпусидан муаммони ўрганишни сўраб, ўз текширувимизни ўтказамиз.

Жойларда кун тартибидан келиб чиққан ҳолда биз ўз лойиҳаларимизни, дастурларимизни ишлаб чиқамиз. Сайловчиларнинг ишончига сўзлар билан эмас, ҳаракат билан эришиш мумкин.

Амалий ишларимизга тўxtаладиган бўлсак, ўтган йили депутатларимиз



ташаббуси билан 29 та масала партия гуруҳларида, 31 та масала доимий комиссия йиғилишига ва 28 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилди ва партия электорати манфаатларига доир тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Лекин шуниси ҳам борки, фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади.

Албатта, бу йўлда тўхтаб қолиш керак эмас, ҳар доим ўзгаришлар, янгиланишлар томон юриш зарур. Партия фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзолари ўрганган масала юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросига яна бир бор қайтишми? Бизнинг "нозик" жойимиз ҳам шунда бўлиб қоляпти. Тўғриси, аксарият ҳолларда қарор қабул қилиниши билан чекланиб қоляпмиз. Шунинг учун аҳвол ўзгариши, ислохотлар бўй кўрсатиши қийинроқ бўляпти. Жон куйдириб ишласак, вазият бутунлай бошқача ҳолатга келади, деб ўйлайман.

Шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 156 та депутатлик сўровлари юборилиб, шундан 107 таси ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, 20 маратоба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари

эшитилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг амалий Ҳаракат дастури ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда Фарғона, Марғилон шаҳри, Тошлоқ тумани Кенгашлари партия гуруҳлари самарали ва тизимли иш олиб боришганини таъкидлаш жоиз.

Сайловчиларнинг партияга нисбатан хайрихоҳлиги ва ишончини оширишга қаратилган амалий ишлар натижасида биргина 2024 йилнинг ўзида партия сафига қўшилишни, у билан бирга бўлишни истаган 7 мингдан зиёд фуқаролар аъзоликка қабул қилинди. Ҳозирга келиб, (1 январь ҳолатига) партия аъзоларининг умумий сони 690 67 нафарга етди.

Партия томонидан ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида олиб борилган ишлар натижасида аъзолар таркибидаги ёшлар улуши 2023 йилда 22 682 нафарни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 26 467 нафарга етди.

Кўзга кўринарли ташаббусларга келсак, масалан, кам таъминланган оила-ларни нафақат моддий ёрдам билан, балки уларни даромад топишга йўналтирувчи механизмлар билан қўллаб-қувватлашни мисол қилиш мумкин. Яъни, эҳтиёжманд кишиларга иш ўргатиш, улар учун махсус грантлар ажратиш, касб-ҳунарга йўналтириш орқали узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ечимларни таклиф қилиш зарур. Бу борада "Дипломсиз иш" имкониятлар ярмаркасини ўтказишни мақсад қилганимиз. Бунда мутахассислик талаб этилмайдиган тоифаларга кирувчи иш ўринларини назорат қилиш, олий таълим битирувчилари ишга жойлашти-ларига кўмаклашиш мақсад қилинган. Қолаверса, манзилли ишлаш мақсадида "Депутат маҳаллада" лойиҳасини ҳар бир маҳалла даражасига олиб тушиш, "маҳалла еттилиги" билан партиямиздан сайланган депутатларнинг ҳамкорлиги

рат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

— Рост, мен вилоятимизда партия ташкилотлари фаолиятдан тўлиқ қониқаман, деб айта олмайман. Бу ерда яхши ташаббуслар билан бирга ечилмай қолаётган муаммолар ҳам бор. Буни очик тан олиш керак.

Ҳозирги давримиз сиёсий партияларининг мафкуравий ғоялари ўз электр-ратларининг бирлашувчи мақсадларига эмас, балки индивидуал муаммолари ечимига қонунчиликни такомиллаштириш орқали йўл топишни кўзлайди.

Менинг фикримча, йўл қўйилаётган асосий хатолардан бири — ташаббусларни фақат қоғозда қолдириш. Яъни, партия томонидан кўтарилган муаммолар бўйича жиддий таҳлил ўтказилса-да, уларни амалга ошириш механизми етар-лича ишлаб чиқилмаяпти. Масалан, партия депутатлари маҳаллий Кенгашларда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб таклифлар билан чиқади, сессия қарорларини қабул қилади, лекин уларни амалга ошириш учун етарли назорат тизими ёки ижро механизмлари мавжуд эмас. Бу эса ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилишида сусткашликка олиб келади.

Иккинчи катта камчилик — партиянинг жойлардаги фаолиятида инновация ёндашув етишмаётгани. Ҳозирги замонда аҳоли билан ишлаш учун аънавий усуллардан ташқари, янги технологиялардан фойдаланиш, рақамли платформа ва ахборот тизимлари орқали фуқаролар билан мулоқотни кенгайтириш жуда муҳим. Лекин кўп ҳолларда ҳали ҳам бюрократик усуллар устунлик қилмоқда. Бу эса партиянинг халққа яқинлашишига тўсиқ бўлади.

Камчиликларни тузатиш ва ижобий тенденцияни яратиш учун биринчи навбатда, партия ички фаолиятида шаффофликни ошириш лозим. Жойларда депутатлар, партия аъзолари ва оддий фуқаролар ўртасида реал мулоқот ўрнатил-тиш керак. Масалан, кенг жамоатчилик иштирокида партия ташаббусларининг натижадорлигини муҳокама қилиш мумкин.

Ижобий тенденция - партиянинг ўзини ислох қилиши ва янги ёндашувларни жорий этишига боғлиқ.

— **Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларга тўxtалдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш ма-саласига эътибор қаратсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?**

— Ҳозирги кунда партиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш биринчи навбатда унинг ҳақиқий халқчиллиги ва амалий натижаларга эришиш қобилия-тига боғлиқ. Одамлар реал ўзгаришларни кўришни хоҳлайди. Демак, партия жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш учун бир неча муҳим йўналишда ҳаракат қилиши керак.

Муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оламанми? Бу жуда жиддий савол. Мен ростгўй сиёсатчи бўлиш та-рафдориман. Ҳар қандай тизимда муам-молар бўлади ва уларни бир кунда ёки ҳатто бир неча йилда тўлиқ ҳал қилиш мумкин эмас. Лекин бир нарсга ваъда бера оламан — мен ва жамоам бу муам-моларни ечиш учун максимал даражада фаол ҳаракат қиламиз. Масалаларни чуқур ўрганиб, аниқ ва амалий ечимлар таклиф қиламиз. Шунингдек, бу ечимлар ижросини назорат қилиш механизмини яратишга интиламиз.

Муҳими, бу жараёнда халқнинг ишти-роки таъминланса, партиямиз ҳақиқий кучга айланади ва ишонч ортган ҳол-да барча муаммолар босқичма-босқич бартараф этилади. Менинг фикримча, ваъдадан кўра, амалий ҳаракатлар ва натижалар муҳимроқ. Ва биз шу йўлдан борамиз. Йўлимиз бир! Йўлга чиқдик, энди четга чиқиш йўқ.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА
суҳбатлашди.**

— **Сиз вилоят партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқа-сизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар, сизнингча, нималардан ибо-**

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК МУҲИМ



Бадриiddин НАСРИЕВ,
ЎзХДП Самарқанд вилоят
кенгаши раиси

Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш йўлида моддий-маънавий кўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиямиз дастурий мақсадларига мос равишда бу борада доимий натижа учун ишлаш маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши, унинг туман (шаҳар) кенгашлари, маҳаллий Кенгашларга биздан сайланган депутатлар ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларида режа асосида иш олиб бормоқда. Вилоятда ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камай-

тириш, муҳтожларга ёрдам бериш борасида вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар 2024 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 146 000 нафарга камайгани бунинг яққол натижасидир.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига 1500 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар касбга ўқитилди, 7 мингга яқини бандлиги таъминланди. 3 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахсларга сурдо хизмати кўрсатилди. 1300 га яқин ногиронлиги бўлган шахслар параспортга жалб қилинди.

2025 йилнинг шу даврига қадар 1500 га яқин ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация қилинди, 2200 дан ортиғига реабилитация марказида хизмат кўрсатилди, 12 мингдан ортиқ вояга етмаган болалар ижтимоий ҳимояга олинди. 80 нафар етим болалар уй билан таъминланди. 82 нафар ногиронлиги бўлган болалар инклюзив таълимга, 22 нафари ғамхўрлик гуруҳларига жалб этилди.

Бугун вилоятда 1900 га яқин ўзгалар парварishiга муҳтож шахслар бор. Уларнинг 700 нафардан ортиғи ёлғиз кексалар, 400 га яқини ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслардир. Бу тоифадаги шахсларни ҳам қўллаб-қувватлаш борасида ишлар олиб борилмоқда.

1200 дан ортиқ парварishiга муҳтож шахсларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта тиклашга ёрдам берилди. 100 нафарига шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), 32 нафарига кадастр ҳужжатлари, 30 нафарига никоҳ гувоҳномасини тиклаб бериш, 153 нафарига пенсия, 173 нафарига нафақа ҳужжатлари тайёрлашга ёрдам кўрсатилди.

17 мингдан ортиқ оилалар камбағал оилалар реестрига киритилди. 2,5 мингга яқин фуқароларга «Саховат ва кўмак» жамғармасидан ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳаммамизни қувонтирган

фалар самарали ижро этилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, вилоят раҳбари дастлаб Самарқанд шаҳридаги ижтимоий объектларнинг ҳолати билан танишиб, уларни яхшилаш, аҳолига қўлайлик яратиш масаласида ўз таклиф ва фикрларини билдирди.

Ўргут туманининг "Ўғс" ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари "маҳалла еттилиги" билан учрашилди. Мазкур ҳудуддаги маҳаллаларда 40 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда май-изчилик, меваларни қайта ишлаш, хўнарандчилик драйвер соҳалар ҳисобланади. Мулоқотда аҳоли даромадларини ошириш, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар тарбияси, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди. Ҳудуд инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли учун қўлайликлар яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Фуқароларнинг мурожаатларини тинглаш, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказилиб, ижтимоий масалалар ўрганилмоқда.

"Ўзбекистон-2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "йшил иқтисодиёт" йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиш партиямиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Алоҳида таъкидлаш кераки, Давлат дастуридаги вазифаларнинг ҳаётиимиз учун муҳимлиги фаоллар ва депутатларимизни рағбатлантирмоқда, улар ташаббускорлик кўрсатмоқда. Тойлоқ тумани 22- умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган мулоқот ва тарғибот тадбирида юртдошларимиздаги бирдамлик руҳидан қувондик. Фаолларимиз, туман Кенгашидаги депутатларимиз "Бирлик" ва "Богичинор" маҳаллалари аҳли билан бирга "Яшил макон" лойиҳасига ҳисса бўлсин, деб манзарали дарахт кўчатлари экишди.

Эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнларида бизнинг депутатларимиз ҳам фаол қатнашишга интиломоқда. Масалан, Пайариқ туман Кенгашидаги депутатимиз Назокат Очилова ҳомийлар ёрдамида "Ўғзал" МФЙда ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган оилалар ҳолидан мунтазам хабар олиб туришади. Бу каби ташаббуслар партиямиз учун фақат бир марта амалга ошириладиган акция эмас, балки доимий равишда давом этадиган эзгу ишларнинг бир қисми ҳисобланади.

Юрт равнақи учун барчамиз фаол ва фидойи бўлишимиз зарур. Зиммамизда катта вазифалар турибди. Янги таркибда иш олиб бораётган партия гуруҳларимиз фаолиятини тизимли йўлга қўйиб олиш, уларнинг амалий натижа йўлида таъсирчанлигини ошириш, мутасадди идора-ташкilotларнинг масъулиятини кучайтириш талаб этилмоқда. Бу борада "марказ – вилоят – туман – маҳалла" тартибида ишлашга ўтилди.

Хусусан, яқинда Қонунчилик палатасининг Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи, фракциямиз аъзолари билан "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштиришнинг янги механизмлари" мавзусида ўтган семинарда фикр алмашдик.

Президентимизнинг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар вилоятда, ҳар бир туман ва шаҳримизда тўғри ва тўлиқ ижро этилишига ҳисса қўшсак, партиямиз электорати манфаатлари ҳимояси учун сидқидилдан хизмат қилган бўламиз.

Депутатлар ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида манзилли, шаффоф ва адолатли ташкил этиш, ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ижроси устидан парламент ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш бўйича келишиб олдилар.

Мутасадди ташкилотлар билан бирга аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш ишларини изчил давом эттирамиз.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

МУРОЖААТ ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ирина Токарева Чилонзор туманидаги "Гавҳар" МФЙда бўлиб, "маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишди. Учрашувда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятларини кенгайти-



риш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, "маҳалла еттилиги" институти фаолияти йўлга қўйилгани бугун юқори самара бераётгани қайд этилди.

Юзма-юз мулоқотларда маҳалладаги мавжуд муаммолар, жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, коммунал хизматлар, йўл ва инфратузилма масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, маҳалладаги ривожланиш йўналишлари муҳокама қилиниб, аҳоли учун қўлайликларни янада ошириш ва турли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

ХДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛ

Халқ депутатлари Боёвут туман Кенгашига 25-Навбахор сайлов округидан сайланган депутат, Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Жумабой Раҳмонкулов фуқаролар мурожаатларини ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Хусусан, туман ҳокими ўринбосари К.Абдулиев, "Ягона буюртмачи инженеринг" хизматлари бўлим бошлиғи И. Жўрамуродов, 4-сектор раҳбари С.Азамов, вилоят ташкилот раҳбарлари ҳамда тегишли масъуллар таркибидаги ишчи гуруҳ аъзолари бир мурожаат изидан борди.

Яъни, Жанубий Мирзачўл каналидан YUR-5 га оқар сув олиш трубасининг ҳолати, сув сатҳи билан мунаносиблиги таҳлилий ўрганилди. Қайта ўлчов ўтказилганда иккинчи сув ўтказиш трубаси ҳақиқатан ҳам 70 см юқорига қўйилгани аниқланди. Труба қайта қовланиб депутат ва маҳалладаги фаол нуронийлар кузатувида бошқатдан қўйиладиган бўлди.

Буюртмачи томонидан бошқа ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича ҳам пудратчиларга топшириқ берилди. Қурилиш объектидаги ишлар 15 мартгача якунланиши қатъий белгиланди.



ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ НАТИЖА БЕРДИ

Халқ депутатлари Қибрай тумани Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Ҳ.Норалиев "Ўзумзор", "Оқ олтин" МФЙ еттилиги фаолиятини ўрганди. Шунингдек, маҳалла кўчалари ҳолати таҳлил қилинди.

"Гавҳар" кўчасида бир неча электр симёғочни алмаштириш кераклиги аниқланди. Депутат туман электр тармоқлари раҳбари билан боғланди ва 8 та бетон устун олиб келинишини таъминлади.

Бундан ташқари, "Қўшчинор" марказий кўчаси таъмир-талаблиги юзасидан йўл қурилиш бўлимига депутат сўрови юборилди.

ПАРТИЯМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Бўстон туман Кенгаши раиси М.Тўйчиева ҳамда "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раҳбари, туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Ш.Мамаризаев ҳамкорлигида фаол нуронийлар иштирокида "Ўзбекистон – 2030" стратегияси ҳамда "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурида белгиланган вазифалар муҳокамасига қаратилган суҳбат бўлиб ўтди.

Шунингдек, партиянинг дастурий мақсадлари, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган вазифалар ҳақида маълумотлар берилди.



Йиғилиш якунида фаол нуронийлардан 75 нафари партия аъзолигига қабул қилинди ва уларга партия билетлари топширилди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.**

МУНОСАБАТ

СИРДАРЁНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ



Шерали МАМАДЕЦОВЕВ,
ЎзХДП Сирдарё вилоят
Кенгаши раиси.

Сирдарё вилоятининг уникал жиҳатлари бор. Яқинда Президентимиз раислигида ушбу ҳудуд саноатини янада ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида бўлиб ўтган йиғилиш, айтиш мумкинки, ҳеч бир сирдарёликни бефарқ қолдирмади.

Давлат раҳбари энг қайноқ ва долзарб соҳаларнинг ичига кириб, ечимини қутаётган ҳар бир масала юзасидан очиқ-ойдин муҳокама ўтказди, олдинда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам кундан-кунга ўзгаришлар ва янгиланишлар бўй кўрсатяпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда ҳудудда энергетика, қурилиш, тадбиркорлик бирмунча ривожланди. Ўтган йили Президентимизнинг Сайхунобод туманига

ташрифи чоғида томорқачилик ва кичик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича берган тавсиялари асосида янги тажриба яратилди.

Аммо, очигини айтиш керак, саноат, савдо ва хизматлар соҳаларини янада ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Таҳлилларга кўра, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасининг республикадаги улуши энг паст даражада. Камбағаллик даражаси 11 фоиздан кўп. 22 минг нафар фуқаро ишсиз.

Йиғилишда вилоятда инвестицияларни кўпайтириб, саноат ва бизнес-муҳитни яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, шунингдек, вилоятнинг транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Жумладан, 900 гектар ер майдонида саноат зоналари ташкил қилиниши натижасида 5 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши ва 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Лойиҳалар Сирдарё, Ширин, Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Гулистон, Оқолтин ва Сардоба туман ҳамда шаҳарларда амалга

оширилади. Бу эса пировардида ишсизликни қисқартириш, оилалар даромадини ошириш, иш бошлаш ниятида юрган фуқароларни қўллаб-қувватлашда айна мудародир.

Инвестицияларни жалб қилишда ҳукумат сиёсий барқарорлик, шаффоф меъёрий асослар ва рақобатбардош солиқ сиёсати орқали қулай ишбилармонлик муҳитини яратиши жуда қувонарли ҳолат. Ер-суви мўл бу ҳудудда пахта, шOLI, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун катта салоҳият борлиги, шу боис картошка, пилёз, маймунжон, қорағат ва олча майдонларининг кенгайтирилиши, томорқа, дала ва каналлар четидаги 38 минг гектарга қайта ишловчи ва экспортчилар бириктирилиши яхши натижа беради.

Махсус иқтисодий зоналар, инвестицияларни рағбатлантириш ва бизнес юритиш жараёнларини соддалаштириш инвесторларнинг ишончини ошириши шубҳасиз. Янги қурилаётган уй-жойлар арзон бўлиши учун девелоперларга солиқ, божхона имтиёзлари берилиши, шунингдек, вилоятдаги



**УМУМАН ОЛГАНДА,
ЖОРИЙ ЙИЛДА ВИЛОЯТДА 2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИЛИШИ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ 500 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИШ ВА 16 МИНГДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАДИ. КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ 7,4 ФОИЗГА ТУШИШИ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ, АЛБАТТА.**



йўл, электр, уй-жой, ирригация, боғча, мактаб ва бошқа ижтимоий объектларни янгилашга 100 миллион доллар йўналтирилиши ўз натижасини беради.

Сирдарё вилоятида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт учун жуда муҳим. Тўғри, инфратузилма, стратегик режалаштириш ва самарали бошқарув ушбу соҳаларни ривожлантиришда ҳал қилувчи омиллар эканини унутмаслик керак.

Умуман олганда, жорий йилда вилоятда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши, экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш ва 16 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиради. Камбағаллик даражаси 7,4 фоизга тушиши ҳаётий зарурат, албатта.

Аниқки, Сирдарё вилояти иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш учун катта тизим яратилади. Бу тизимнинг ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда самарали ишлаши халқимизнинг турмушига, минглаб рўзгорларга ижобий таъсир кўрсатади. Кучли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жараёнда фаол иштирок этиш эса бизнинг бурчимиздир.

ДЕПУТАТНИНГ БИР КУНИ

ОДАМЛАР ЮРАГИГА ЙЎЛ ТОПИБ...



“Депутатман”, дея халқ юкини елкасига олган инсон одамларнинг дард-у тавшиши, уларни ўйлантираётган турли масалалар ва муаммолар билан деярли ҳар кунни тўқнаш келади. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро шаҳар Кенгаши раиси Робия КАЗИМОВАнинг бир кунлик иш фаолиятига назар ташламоқ асносида бунга яна бир бора гувоҳ бўлдик.

Шаҳар Кенгашига кириб борганимизда Робия Казимова раҳбарлигида депутатлик гуруҳи йиғилиши бўлаётган экан. Бухоро шаҳридаги умумтаълим мактабларида ўрганишлар олиб бориб, таълим тизими сифати, ўқувчилар давомати ва таълим муассасаларидаги маънавий муҳитни ўрганиш режалаштирилгани, бу борадаги ишлар мониторинги шаҳар сессиясида кўриб чиқишлиши режалаштирилган. Шундан келиб чиқиб, ишлар тақсимот қилинди, депутатлардан иборат ишчи гуруҳ тузилди, саволномалар тарқатилди, ўрганилиши лозим бўлган йўналишлар белги-

лаб олинди.

Мазкур тадбирдан сўнг Халқ депутатлари шаҳар Кенгашида Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бухоро шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Р. Юсуповнинг ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири Азамат Бекмуродовнинг аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш ҳолати юзасидан ахбороти эшитилди. Доимий комиссиянинг сессия олди йиғилиши муҳокамаларга бой тарзда ўтди.

Кун тартибига кўра, Робия Казимова бошчилигида депутатлар шаҳардаги 4-оилавий поликлиника фаолиятини ҳам ўргандилар.

–Бирламчи муассасамиз 34 минг аҳолига хизмат кўрсатади, - деди ушбу ОП бош врач С. Ҳамроқулов. - Жами 185 нафар ходимимиз бор. Ҳудудимизда 7 та мактаб, 9 та мактабгача таълим ташкилоти жойлашган.

Айтиш жоизки, оилавий поликлиника биноси 2020-2021 йилларда жорий таъмирланган. Аммо таъмирлаш жараёнида муассасанинг ертўла қисми, канализация тизими яхшиланмаган. Бу эса ҳамон қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳозирда электрон поликлиника хизмати йўлга қўйилган, 8 та врач олди кўрик хонаси ташкил этил-

ган. Электрон поликлиника бўйича сифатли хизмат кўрсатиш учун 6 та компьютер ҳамда принтерларга эҳтиёж бор.

Тор доирадаги мутахассислар иш ҳиссаси етарли эмас.

Бу муаммолар ечимини ўрганишни депутат Р. Казимова ўз назоратига оларкан, йўл-йўлақай тегишли ташкилотларга кўнгирок қилиб, бир нечта муаммони жойда ҳал этди.

Сайлов округи ҳудудидаги 28-умумтаълим мактаби юқори синф ўқувчилари билан суҳбат ҳам кўзда тутилган эди. Вақт тигиз бўлишига қарамай, депутат опа мактабга ошиқди. Кўзлари ёниб турган ўғил-қизлар билан самимий мулоқотда Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврига қадам қўйилаётгани, ёшларимиз эса бу давр бунёдкорлари экани, таълим тизимидаги янги ўзгаришлар, мактаблардаги ўқитиш сифати, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш зарурати тилга олинди.

Кейинги манзил эса халқ билан мулоқот майдони бўлди. “Гулистон”, С. Шерозий номидаги ва “Дилкушо” МФЙ раислари очик чехра билан кутиб олишди. Бугунги қабулга мазкур маҳаллалар фуқаролар йиғини вакиллари, “Аёллар дафтари”га кирган хотин-қизлар, маҳалла фаоллари ўз таклифлари билан келишибди.

Қабул давомида 50 нафардан зиёд фуқаролар тиббиёт, бандлик, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича мурожаатлари билан депутатга юзланди. Кекса онахоннинг сўз-

ларига қулоқ тутдик.

– Боғи амир кўчасидаги ички йўлни таъмирлаш керак, - дейди “Гулистон” МФЙда яшашини айтган Шахрия Кўрбонова. – Айниқса, “Капилка” савдо мажмуаси ёнидаги йўл кечаги ёмғир сабаб юриб бўлмайдиган аҳволга келиб қолди. Ҳар ёгин-сочинда аҳвол шу. Ҳатто ҳовлиларга сув кириб кетяпти. Шу масалани ҳал этишда ёрдамнингизга муҳтожмиз.

– “Дилкушо”да трансформаторни алмаштириш керак, – дейди яна бир мурожаатчи З. Ҳакимов. – Ҳозирда янги қурилган уйлар ҳисобига фойдаланувчилар сони ошиб кетгани боис трансформатор олдинги қувватда ишлай олма-япти. Электр токи паст, баъзан эса босим ортиб кетиб, ўчиб қоляпти.

“Элобод” кўчаси 69-уйда яшовчи, 2-гуруҳ ногирони, эҳтиёжманд аёл З. Фақирова турмуш ўртоғи 1-гуруҳ ногирони экани, унга қараб тургани учун нафақа тайинланишида ва уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам сўради. Робия Казимова тегишли идораларга бу ҳақда депутат сўрови чиқарилишини айтди.

— Халқнинг меҳрини қозониш, ишончини оқлаш осон эмас, — дейди биз билан суҳбатда депутат Р. Казимова. — Бунинг учун халқ вакили доимо одамлар орасида бўлиши, ҳар бир кишининг дардини, қувончини ўзиники деб билиши керак. Ҳудудда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, мутасадди ташкилотларга таклифлар

ва сўровлар билан чиқиш зарур. Халққа яқин бўлсаккина, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан аҳоли ўртасида кўприк вазифасини ўтай оламиз. Шундагина сайловчилар ишончини қозониш мумкин... Биламизки, Бухоро шаҳри қамрови кенг ва аҳолиси кўп ҳудуд. Оилалардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳит, турмуш даражаси, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжлари бизга қилаётган мурожаатларида акс этиб туради.

Робия Казимованинг айна пайтда олдига қўйган мақсадлари кўп. “Гулистон” ва “Дилкушо” МФЙ ички қўчаларини таъмирлаш, шимолий кичик туман ва марказий бозор йўналишидаги автобус қатновини қайта йўлга қўйиш, янги қурилаётган уйлар сифатини назорат қилиш шулар жумласидан.

– Мен даволанишим учун шу депутатнинг ёрдамида вилоят касалхонасига ордер олдим, -дейди “Гулистон” МФЙда яшовчи Гулсара ая Шамсиева. - Умрларидан барака топишсин, менга ўхшаган кўплаб кексалар бу депутатимиз саъй-ҳаракати билан бепул даволаниб келаётганини биламан. Мана шундай жонқуяр инсонларнинг борига шукр.

Бундай қалб сўзлари битилган ўнлаб фуқаронинг миннатдорлик мактубларини ўқишда давом этиш мумкин. Мухими, депутатдан халқимиз рози бўлмоқда. Ўз эзгу ишлари билан одамлар юрагига кириб бораётган депутат Р. Казимова эса кўплаб ташаббуслари билан сайловчилар ҳузурида бўлиши фаолиятининг дастуруламалига айланган.

ШАҲЛО БАҚОЕВА,
журналист.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР:

ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

Гулнора Абдуллаева инглиз тили фани ўқитувчиси. Яқинда у туғуруқ таътилига чикди. Оила даромадига улуш кўшиш мақса-дида уйда инглиз тилидан хусусий дарслар беришни йўлга қўйди. Бу маҳалладаги ёшлар мактаб дарсларидан ташқари кўшимча ра-вишда тил ўрганиш учун ҳам яхши имконият-да. Гулнорага ҳам яхши, ҳам уйда боласига қарайди, бўш вақтида даромад топади.

Яқинда у расман ўзини ўзи банд қилди. Эндиликда у бир марталик йиллик ижтимоий солиқ тўлаш орқали ҳам меҳнат стажига эга бўлади, ҳам даромадлари тўғрисидаги маъ-лумотномаси бўлади. Кексаликда яхшироқ пенсия олиш учун бу керак, албатта. Яна бир томони, ноқонуний фаолияти учун солиқ инспекциясининг жаримага тортишидан қўрқмай, фаолиятини давом эттираверади. Бу фуқароларимизга берилган муҳим имко-ниятидир.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхат-дан ўтказиш нисбатини яқинда бошланди. Аммо шунга қарамай, уларнинг сони кун-дан-кун ошмоқда ва қонуний шуғулланишла-ри мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати мунтазам кенгайтириб борилмоқда.

Хусусан, булар автомобиль бозорларида воситачилик хизмати, риэлторлик хизматини кўрсатиш (ижарага уй топиб бериш, уй сотиб олиш ва сотишга кўмаклашиш), уйда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш хизмати, гипс ва ганчдан буюмлар яшаш, кулолчилик, киберспорт фаолияти, видео ва фотосуратга олиш хизматлари, калитлар тай-ёрлаш каби фаолият турлари ҳисобланади.

Лекин бугун одамларимиз орасида бун-дай мақомда қандай тўғри ишлаш юзасидан саволлар жуда кўп. Шундан келиб чиқиб, бугун биз сизга ўзини ўзи банд қилиш тарти-би ва афзалликлари ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Келинг, дастлаб статистик рақамларга кўз югуртирамиз. Давлат солиқ қўмитасининг маълум қилишича, 2025 йил 1 январь ҳола-тига кўра, Ўзбекистонда ана шундай ўзини ўзи банд қилган шахслар 4,4 млн нафардан ошди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 76,5 фоизга (1,9 млн нафар) юқорилади. Энг баланд ўсиш маиший хизматлар ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ку-затилган. Рақамлар кесими мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилиш амалиётига аҳолининг қизиқиши ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Чунки сўнгги йилларда тизимдаги имконият-лар кўлами кенгайди.

МАЪЛУМОТ УЧУН

Йил давомида соҳалар кесимида ўсиш қуйидагича бўлган:

- маиший хизматлар — 104,3 фоиз (+976 минг нафар, 2025 йил 1 январь ҳо-латига 1 млн 912 минг нафар);
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш — 94,6 фоиз (+203,1 минг нафар, 417,8 минг нафар);
- ахборот-коммуникация — 87 фоиз (+55,7 минг нафар, 119,7 минг нафар);
- ижтимоий йўналишдаги хизматлар — 55,9 фоиз (+178,2 минг нафар, 496,9 минг нафар);
- қишлоқ хўжалиги хизматлари — 53,6 фоиз (+386 минг нафар, 1 млн 106,5 минг нафар);
- саноат хизматлари — 49,6 фоиз (+138,9 минг нафар, 418,9 минг нафар).

Маълумотларга кўра, ўзини ўзи банд қилганларнинг 58 фоизи эркаклар, 42 фоизи эса аёллар ҳисобланади. Худудлар кесими-да энг кўп ўзини ўзи банд қилган шахслар Самарқанд вилоятида (508,1 минг нафар) рўйхатдан ўтган.

РЎЙХАТДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Ўзини ўзи банд қилганлар – бу хизмат-лар кўрсатишда мустақил равишда шахсий меҳнати билан иштирок этадиган, меҳнат да-ромадини олиш учун иш олиб борувчи шахс-лар. Бунда улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмайди ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдалана олмайди. Ўзини ўзи банд қилган шахс махсус мо-биль илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солиқ хизма-ти органига келган ҳолда рўйхатдан ўтиши мумкин. Аҳамиятли яна бир жиҳати, улар хизматларни ҳар қандай ҳудудда кўрсатиш-лари мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “Солиқ” мобиль иловаси ёки [my.soliq.uz](#), [my.gov.uz](#) порталлари орқали ё солиқ инс-пекциясига бориб рўйхатдан ўтиш мумкин. Рўйхатдан ўтишда сўровнома тўлдирилади.

Сўровномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (паспорт тагида ёзилган 30 билан бошланадиган 14 хонали рақам), рўйхатдан ўтказиш электрон рақамли имзо орқали амалга оширилса, бу маълумот автоматик чиқади; танланган фаолият тури; фуқаро ишни (хизматни) бажарадиган манзи-ли; телефон рақам ва у билан боғланиш мум-кин бўлган бошқа маълумотлар. Рўйхатдан ўтиш якунланиши биланок, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганилиги

тўғрисида QR-кодли маълумотнома берилади. Маълумотнома ўзбек тилида расмийлаштири-лади. Шахснинг хоҳишига кўра, маълумотно-ма рус ва инглиз тилларида ёки имкон бўлса, бошқа тилда расмийлаштирилиши мумкин.

Яна бир муҳим маълумот, рўйхатдан ўтиш мутлақо бепул. Рўйхатдан ўтиш маълумотно-маси чекланмаган мuddатга берилади.

Зокиржон ЗОХИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ўзини ўзи банд қиладиганлар расман рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний равишда ишлашлари, шунингдек, мижозлардан қабул қилинган барча буюртмаларни расмийлашти-риши ва сақлаши мумкин. Маълумотлар база-сида ҳар бир буюртма учун ишларнинг сони ва қиймати, шунингдек, мижознинг телефон рақами тўғрисидаги маълумотлар сақланади. Буюртма асосида чек шакллантириш ва уни мижозга юбориш имконияти мавжуд.

Ўзини ўзи банд қилганлар ҳар ой якуни бўйича буюртма асосида олинган даромад-лари ва харажатлари ҳисобини юритиши ва ижтимоий солиғини ҳисоблаши мумкин. Исталган вақт оралиғи учун даромадлар ва харажатлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар биргина тугмани босиш орқали шаклланти-рилади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Қайси ишлар билан ўзини ўзи банд қилган шахс си-фатида шуғулланиши мумкин? Қонунчиликда ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун 100 дан ортиқ фаолият (ишлар, хизматлар) тур-лари белгиланган. Жумладан, ушбу рўйхатда репетиторлик қилиш, деҳқон бозорида савдо қилиш, сартарошлик, “маклер” хизмати мав-жуд.

Қонун ҳужжатларида ҳам ўзини ўзи банд қилган шахс бир вақтнинг ўзида шуғулла-ниши мумкин бўлган фаолият турлари сони бўйича чекловлар йўқ. Масалан, у бир вақт-нинг ўзида болаларни парваришлаш ва улар-га қараб туриш, бунга параллел равишда уй хўжалигини юритиш бўйича хизматлар кўрсатиши мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олиш даври, меҳнат фаолияти бу даврда ўзини ўзи банд қилиш тартибида амалда бажарилганлиги ёки бажарилмаган-лигидан қатъи назар, пенсияни тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Маҳаллий меҳнат органлари ўзини ўзи банд қилган шахсларга имтиёзли микрокре-дитлар ажратиш учун тижорат банкларига тавсиялар беради.

ХЎШ, АФЗАЛИГИ НИМАДА?

Тўғри, бугун аксарият аҳоли айтиайлик, устачилик, уй ишларини бажариш, мебель йиғиш, репетиторлик, гишт териш ишлари билан рўйхатдан ўтмай шуғулланиб кел-моқда. Ушбу фаолият турларини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб амалга ошириш эса фуқароларга қатор енгиликларни беради. Рўйхатдан ўтмасдан туриб бундай тартибда ишлашдан кўра, рўйхатдан ўтиб шуғулланиш бир қанча аф-залликларга эга.

Имомназар ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Киши асосий иш жойида меҳнат шарт-номаси бўйича ишлаб, бир вақтнинг ўзида ўзини ўзи банд қилиши ҳам мумкин. Муҳими, асосий ишдаги фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш учун рухсат берилган фаолият турла-ри рўйхатига кирмаган бўлиши керак. Ма-

салан, кун бўйи меҳнат шартномаси асосида котибалик билан шуғулланиш, ишдан кейин ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида матн ёзиш бўйича хизматларни (копирайтинг) кўрсатиш мумкин.

Афзалликлари ҳақида гапирадиган бўл-сак, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган фуқаролар йилига камида БХМнинг бир баравари микдорида ижтимоий солиқ тўлайди. Ушбу тўланган солиқ шахсга меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, пенсия учун стаж қўшилади.

Тўғри, тўловнинг номи солиқ, деб ном-ланади. Аммо ушбу сумма тўлиқ Пенсия жамғармасига ўтказилади ва кейинчалик шахсга пенсия шу тўланган пулдан ҳисоб-лаб чиқарилади. Агар шахс БХМнинг 1 баравари эмас, кўпроқ тўлайдиган бўлса, пенсия ҳам шунга мос кўпроқ чиқади. Яна бир афзаллиги, ўзини ўзи банд қилган шахслардан топадиган пулидан солиқ олин-майди.

Шунингдек, даромад тўғрисида маълу-мотнома олиш ва банк кредитлари ҳамда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкони-яти мавжуд. Яъни, ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг даромади расмий тас-диқланган бўлади. Бу эса фаолиятини ри-вожлантириш, кенгайтириш учун кредитлар олмоқчи бўлганда ёки банкдан исталган бошқа кредит, ипотека, автокредит олмоқ-чи бўлганда қўл келади.

СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Дилдора ҲОШИМОВА, Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси бошлиғи:

– Ўзини ўзи банд қилган шахслар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажи ҳисобга олинishi ва рағбатлантирувчи имтиёзлар-дан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар. Яъни, бу тадбиркорлик фаолияти эмас, жисмоний шахснинг меҳнат фаолияти.

Ўз-ўзини банд қилганлар ихтиёрий ра-вишда ижтимоий солиқни тўлашлари мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий солиқ-ни йилига базавий ҳисоблаш микдорининг 1 баробари, яъни, 375 минг сўм микдорида тўлаш - бу 1 йиллик иш стажи учун ҳисобла-нади. Бу эса қарилик чоғида кафолатланган пенсия дегани.

Ўз-ўзини банд қилганлар фақат рухсат этилган 100 дан ошик фаолият турлари би-лан шуғулланиб, жисмоний шахслардан оли-надиган даромад солиғидан озод қилинган. Даромади 100 миллион сўмгача бўлган ўзини-ўзи банд қилган шахслар солиқ тўла-майдилар. Агар даромади йилига 100 мил-лион сўмдан ошса, 100 миллиондан ошган қисмига якка тартибдаги тадбиркорлар каби 4% айланма солиғини тўлаши керак бўлади. Бунда йил тугаши билан янги йил бошидан даромадлар қайтадан ҳисобланади. 2024 йилда даромадлари 100 млн сўмдан ошмаган ёки ошган тақдирда ҳам 2025 йилда хи-соб-китоб “нол”дан бошланиб, уларнинг 100 млн сўмгача бўлган даромадлари солиққа тортилмайди.

Бундан ташқари, истеъмол кредитлари ва имтиёзли кредитлар олиш мумкин. Шу билан бирга, ўз-ўзини банд қилганлар барча ишларни ўзлари бажаришлари керак,

ёлланган ишчиларнинг меҳнатидан фойдала-ниш мумкин эмас.

Худудлар кесимида кўрадиган бўлсак, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони бўйи-ча Самарқанддан кейинги ўринларда Тош-кент ва Қашқадарё вилоятлари турибди.


Ўсиш кўрсаткичи энг юқори соҳалар – бу маиший хизматлар, ишлаб чиқариш ва хиз-мат кўрсатиш, ахборот-коммуникация соҳа-лариридир.

Маълумот учун: ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида Солиқ мобиль иловасида бепул рўйхатдан ўтиши ва исталган вақтда фаолиятларини тугатишлари мумкин.

ТАКСИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ УЧУН ЯХШИ ЯНГИЛИК

Эндиликда такси ҳайдовчилари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишлашлари мумкин. Енгил автотранспорт воситалари-да йўловчиларни шахар, шахар атрофи ва шахарлараро ташиш фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мум-кин. Бунинг учун лицензия варақаси талаб этилади.

Энди ўзини ўзи банд қилган таксистлар-нинг 2024 йилда даромади 100 миллион сўм-дан ошган бўлса ҳам 2025 йилда ҳисоб-китоб яна «нол»дан бошланади. 2025 йил даво-мида 100 миллион сўмгача бўлган даромад солиққа тортилмайди.



ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР ҲАМ БОР

Абдужаббор ОЧИЛОВ, ҳуқуқшунос:

– “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун-нинг 37-моддасига мувофиқ улар қатор имтиёзларга эга.

Унга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида меҳнат фаолиятини амалга оши-риш даври пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлин-ган пайдан эътиборан ёшга доир пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган иш стажига қўшиб ҳисобланади.


Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олиш даври, меҳнат фаолияти бу даврда ўзини ўзи банд қилиш тартибида амалда бажарилгани ёки бажарилмагандан қатъи назар, пенсияни тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Маҳаллий меҳнат органлари ўзини ўзи банд қилган шахсларга имтиёзли микрокре-дитлар ажратиш учун тижорат банкларига тавсиялар беради. Ўзини ўзи банд қилган шахслар белгиланган тартибда аккредита-ция қилинган касбга ўқитиш марказларида (касб-хунар таълими муассасаларида) қисқа муддатли касбга, шунингдек, тадбиркорлик кўникмаларига бепул ўқиши мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларни касбга ўқитишни ташкил этиш ва ўқитиш бўйича харажатларни молиялаштириш ушбу мод-данинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Банд-ликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Маҳаллий меҳнат органлари ўзини ўзи банд қилган шахсларга меҳнат асбоб-анжомлари-ни, шахсий ҳимоя воситаларини ва иш кийи-мини имтиёзли ижарага бериш пунктларини ташкил этади.

Фикрлардан кўриниб турибдики, ўзини ўзи банд қилиш фуқарола-римизга қатор енгиликлар бера-ди. Юқорида депутатларимиз ҳам бунинг афзал жиҳатларига тўхта-либ ўтди. Қўшимча равишда биз ҳам бу меҳанизмда бир қатор фой-даларни кўрдик. Масалан, унда уйдан туриб ишлашнинг қонуний имконияти бор. Ўзини ўзи банд қилганлар якка тартибдаги тад-биркорлар сингари бухгалтерия ҳисобини юритиши ёки солиқ дек-ларацияларини топширишга ҳам мажбур эмас. Ҳеч қандай меҳнат шартномаси йўқ, раҳбар ва қатъий иш жадвали ҳам. Ўзига ўзи хўжай-ин бўлиб, сеvimли ишида ишлайди ва энг муҳими, бу қонуний.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.





“МИКРОКРЕДИТБАНК» АТ:

АҲОЛИГА ЯҚИН КЎМАКЧИ

Бугунги кунда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки республикада кичик бизнес, хусусий ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандчилик ҳамда касана-чиликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда микромолиявий хизматларни кенгайтириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, банк томонидан ўтган йили 7 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилиб, шундан 1,9 триллион сўмлик инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилди.

Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида банк фаолиятининг сарҳисоби ва галдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

– Банкмиз томонидан ўтган йили 2,4 триллион сўмлик кредитлар оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастуридан молиялаштирилди, – дейди “Микрокредитбанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Шахло Ибрагимова. – Шу билан бирга, 2 триллион сўм кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиб, 1,5 триллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Амалга оширилган ишлар натижасида банкка бириктирилган 1 минг 230 та маҳаллада уларнинг ривожланиш драйверларига асосан жами 232 минг 700 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Қолаверса, Сайхунобод тажрибаси асосида хонадонбай ишлаш орқали 7 минг 273 та хонадонга 136,5 миллиард сўмлик “молиявий пакет”лар жойлаштирилди. Уйчи тажрибаси асосида 8 минг 300 та мурожаат ҳал қилиниши натижасида 31 минг 400 та иш ўрни яратилди.

Аёллар тадбиркорлигини молиявий

қўллаб-қувватлаш мақсадида 89 минг 592 нафар хотин-қизнинг бизнесини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Жорий йилдаги вазифалар Президенти-мизнинг 2024 йил 16 декабрь кuni видео-селектор йиғилишида тижорат банклари олдига қўйган устувор вазифалар ва топшириқлари доирасида ташкил қилинмоқда. Хусусан, бош банкда маҳаллабай ишлаш бўйича алоҳида департамент, ҳудудий бошқармаларда бўлинмалар ва Банк хизматлари офиси, Банк хизматлари марказларида маҳалла секторлари йўлга қўйилди. Банкка бириктирилган маҳаллаларда янги тизим асосида 332 та “маҳалла банкири” штати очилиб, малакали ва ташаббускор ходимлар жалб қилинди. Шундай қилиб, бу йил маҳаллаларга кириб, аҳоли ва тадбиркорларга хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш учун барча манбалар ҳисобидан 7,7 триллион сўмлик кредитлар ажратилади. Кредит маблағларининг асосий қисми, яъни, камида 50 фоизи кичик бизнес субъектларига йўналтирилади. Аҳолига ижарага берилган 1 минг 756 гектар ер майдонида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида 160 та намунали лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Мурожаатлар билан ишлаш борасида ҳам банк томонидан ижобий тажриба тўпланган. Масалан, шу йил ўтган икки ой ичида банк миқдорларининг 2 минг 118 та мурожаати ижобий ҳал қилинди.

Анжуманда журналистлар банк масъулларидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Тоштемир МУРОД.

“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ”

10 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ КРЕДИТ АЖРАТАДИ



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Бизнесни ривожлантириш банки” – кичик бизнес таянчи” мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда кичик бизнесни молиялаштириш, янги иш ўринлари ва аҳоли учун қўшимча даромад манбаларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида банк томонидан 17 минг 676 нафар тадбиркорга кредит маблағлари ажратилгани, кўрсатилган молиявий қўмаклар натижасида ўзини-ўзи банд қилган 18 минг 288 нафар жисмоний шахслардан 12 минг 783 нафари якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтгани ва 5 ярим минг нафардан зиёди юридик корхона мақоми олигани таъкидланди.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Кредит бош директори Бекзод Фозиловнинг қайд этишича, жорий

йилда барча манбалар ҳисобидан 10 триллион 400 миллиард сўмлик кредитлар ажратиш режа қилинган. – Бугунги кунда республика бўйича банкмиз томонидан 229 та “маҳалла банкири” фаолияти йўлга қўйилди ҳамда улар ёрдамчи-агентлар билан биргаликда маҳаллаларнинг бизнес имкониятларини ўрганиб, одамларнинг бизнес ғояларини амалиётга жорий қилишга қўмаклашмоқда, – дейди банкнинг Бизнесни ривожлантириш департаменти бош менежери Шерзод Омонов. – “Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида “Маҳаллада бизнес” ва “Маҳалла банкири” кредит маҳсулотлари амалиётга киритилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллабай ишлаш тизимини доирасида 279 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бунда 115 минг нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилади ва 164 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади.

Анжуманда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Микро, кичик ва



ўрта бизнесга хизмат кўрсатишнинг янги операцион модели”ни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича ҳам ахборот берилди. Айни вақтда ОТБнинг “Инклюзив молия секторини ривожлантириш – молиявий воситачилик” дастури доирасида банкка 50 миллион АҚШ доллари миқдориди кредит линиясини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб боришмоқда. Бу кредит линияси очилса, банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдаги молиявий имкониятлари янада ортади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

МАҚСАД – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ

БУГУН ЗАМОНАВИЙ ҲАЁТНИ ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ТАРАҚҚИЁТИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. ҚАЙСИ СОҲАНИ ОЛМАНГ, УНИНГ РИВОЖИ УЧУН, АВВАЛО, ТАЪЛИМ КЕРАК.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЭЪТИБОР НИҲОЯТДА КАТТА. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ЎТГАН ДАВРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТДИ. ШУНГА ҲАМОҲАНГ ТАРЗДА БИЗДАН ҲАМ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ, МАЛАКАЛИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ, ЯНАДА ФАОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ТАҚАЗО ЭТИЛАДИ.



Самарқанд халқаро технология университети вилоятдаги биринчи хусусий олийгоҳдир. Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони асосан 2022 йил 4 февралда Самарқанд халқаро технология университети ташкил этилди. Бундан мақсад - Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига муваффақиятли интеграция қилиш учун ўзида илғор муҳандислик билимлари мавжуд бўлган, ижодий фикрлаш

қобилиятига эга, инновацион технологияларни яратиш ва жорий этиш кўникмаларини эгаллаган юқори малакали янги мутахассисларни тайёрлаш эди.

Университет энди 3 ёшга тўлди, аммо олийгоҳда бажарилган ишлар кўлами, эришилган ютуқлар салмоғи жуда катта. Ҳозир бу ерда тўрт юзга яқин талаба таҳсил олади.

Олийгоҳда хориждаги етакчи университетлардан келган мутахассислар фаолият олиб бормоқда. Улар компьютер технологиялари йўналишида, кончилик, математика, чет тиллари бўйича талабаларга сабоқ бермоқда. Ўқитишнинг илғор методларини жорий этиш, замонавий билимлар ва чет тилларни пухта ўргатиш масаласи доимий эътиборда турибди. Умуман олганда, ёшларнинг таълим олиши, етуқ мутахассис бўлиб етишиши, ўз иқтидорларини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароит бор.

Яқинда университет ташкил этилганига уч йил тўлди. Шу муносабат билан Са-



марқанд шаҳридаги “Ипак йўли” халқаро туристик марказида байрам тадбири ўтказилди.

Тадбир аввалида университет ректори, профессор Юсуф Абдуллаев олийгоҳнинг ташкил этилиши ҳамда уч йил давомида эришилган ютуқлар ва келажақдаги стратегик режалар ҳақида гапирди.

Таълим жараёнида юқори натижаларни қайд этган 11 нафар энг иқтидорли талабаларга университет ташаккурномаси топширилди.

Сана муносабати билан университетнинг халқаро ҳамкорлари - Глобал таълим консорциуми президенти Каролин Бишоп (АҚШ), Шимолий-Шарқий энергетика университети президенти Каи Гуовай (Хитой), Ҳанжук халқаро тиллар университети президенти Жеонг-Воон Парк (Корея

Республикаси), Халқаро чой маданияти жамғармаси раҳбари Ванг Хуфенг (Хитой), Тианжин фан ва технологиялар университетининг халқаро алмашинув департаменти директори Вэй Шенжун (Хитой), Сан-Диего давлат университети профессори Темпле Нортуп (АҚШ) ҳамда Интерактив роботлар ва медиа лабораториясининг асосчиси ва директори, дунёда Араб тилида сўзлашувчи “Ибн Сино” номи биринчи робот ихтирочиси – Николаос Мавридис ўзларининг видео-табрик ва қутловларини юборди.

Дилафруз ГИЯСОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти, Инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 337. 1870 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda